

Бекорчи бўлманг!

15:09 / 28.04.2017 3020

Кўп инсонлар учун ҳаётда зарурий эҳтиёжлар бўлган ейиш, ичиш, турмуш қуриш, мол-дунё тўплаш асосий мақсадлар бўлиб қолган. Яна бир тоифа эса олдиларига юксак мақсадлар қўядилар, комиллик сари интиладилар. Миллатлари олдинда бўлиши учун куйиб пишадилар.

Динимиз инсон ҳар жиҳатдан комил бўлиши, ўзи, оиласи ва бошқаларга фойдали ҳар ишда орқада қолмасликка тарғиб қилади. Қуръони каримнинг бир неча ўринларида Аллоҳ азда ва жалланинг "...мусобақа қилинг", "...шошилинг", деганига, суннатда ҳам эзгу ишларга интилиш, уларда пешқадам бўлишга кўп бора чорланганига гувоҳ бўламиз.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) "Агар Аллоҳдан сўрасангиз, Фирдавсни сўранг. У жаннатнинг ўртаси ва жаннатнинг энг юқорисидир. Жаннат дарёлари ундан оқиб келади", деб олий мақсадли бўлишга чақирадилар.

Саҳобалар сийратини ўқиб, уларнинг дунё ва дин ишларида етакчи, пешқадам бўлганларини кўрамиз. Бирлари даъватда машъала каби бўлса, бошқаларининг бутун бир қўшинни таъминлашга етарли молга эга бўлган.

Мусулмон ўз олдига юксак мақсадлар қўйиши лозим. Дунё ишида пухта ва маҳорат эгаси бўлишга, охираат ишида жаннатдаги Фирдавсга лойиқ бўлишга интилиши керак.

Бунинг учун у аввало ўз мақсадларини аниқлаб олиб, ўша мақсадларни амалга ошириш учун режалар тузиши, уларни амалга ошириш учун амалий қадамлар қўйиши лозим. Ҳар ишида энг афзал бўлишга, бошқаларга фойдали бўлишга интилиши, уммат юксалиши учун бор имконини ишга солиши керак. Зотан инсон яралмишларнинг энг афзали, мусулмон уммати эса, одамларга чиқарилган энг яхши умматдир.